

155 - وَعَنْ أَبِي جُحَيْفَةَ وَهَبِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَخَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيْنَ سَلْمَانَ وَأَبِي الدَّرْدَاءِ، فَرَارَ سَلْمَانُ أَبَا الدَّرْدَاءِ، فَرَأَى أُمَّ الدَّرْدَاءِ مُتَبَدِّلَةً فَقَالَ لَهَا: مَا شَأْنُكِ؟ قَالَتْ: أَحْوَكُ أَبُو الدَّرْدَاءِ لَيْسَ لَهُ حَاجَةٌ فِي الدُّنْيَا، فَجَاءَ أَبُو الدَّرْدَاءِ فَصَنَعَ لَهُ طَعَامًا، فَقَالَ لَهُ: كُنْ فَإِنِّي صَائِمٌ، قَالَ: مَا أَنَا بِأَكِلٍ حَتَّى تَأْكُلِ، فَأَكَلَ، فَلَمَّا كَانَ اللَّيْلُ ذَهَبَ أَبُو الدَّرْدَاءِ يَتُومُ فَقَالَ لَهُ: تَمْ، فَنَامَ، ثُمَّ ذَهَبَ يَتُومُ فَقَالَ لَهُ: تَمْ، فَلَمَّا كَانَ مِنْ آخِرِ اللَّيْلِ قَالَ سَلْمَانُ: قُمْ الْآنَ، فَصَلِّا جَمِيعًا، فَقَالَ لَهُ سَلْمَانُ: إِنَّ لِرَبِّكَ عَلَيْكَ حَقًّا، وَإِنَّ لِنَفْسِكَ عَلَيْكَ حَقًّا، وَلِأَهْلِكَ عَلَيْكَ حَقًّا، فَأَعْطِ كُلَّ ذِي حَقٍّ حَقَّهُ، فَأَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَتَكَرَّرَ ذَلِكَ لَهُ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «صَدَقَ سَلْمَانُ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ. [1968].

155. Абу Жуҳайфа Ваҳб ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Салмон билан Абу Дардони бир-бирига биродар қилиб қўйдилар. Салмон Абу Дардонинг зиёратига келди ва Умму Дардони одми кийимда кўриб, унга: «Сенга нима бўлди?» деди. У: «Биродаринг Абу Дардонинг дунё билан иши йўқ», деди.

Абу Дардо келиб, унга таом тайёрлади. (Салмон) «Е», деди. У: «Мен рўзадорман», деди. (Салмон) «Сен емагунингча мен ҳам емайман», деди. Шунда у ҳам еди. Кечаси Абу Дардо туришга ҳаракат қилган эди, (Салмон) «Ухла», деди. У ухлади. Кейин яна туришга ҳаракат қилган эди, (Салмон) «Ухла», деди. У яна ухлади. Кеча охирлаб қолгач, Салмон: «Энди тур», деди ва икковлари намоз ўқишди. Шунда Салмон унга: «Албатта, Роббингнинг сенда ҳаққи бор, нафсингнинг ҳам сенда ҳаққи бор, аҳлингнинг ҳам сенда ҳаққи бор. Шундай экан, ҳар бир ҳақ эгасига ҳаққини бер!» деди.

Кейин у Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб, буни у зотга айтган эди, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Салмон рост

айтибди», дедилар».

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Исломда инсон ўзини-ўзи толиқтириши ман қилинган. Агар бу толиқтириш ибодат орқали бўлса ҳам мумкин эмас. Мисол учун биров нафл намозни ҳаддан ташқари кўп ўқиб ўзини толиқтиришига шариат қарши бўлади. Чунки бу нарса соғлиққа зарар келтириши мумкин. Шунингдек, ҳаддан ташқари кўп нафл рўза тутиб ўзини чарчатиш ҳам мумкин эмас.

«Албатта, сенда нафсингнинг ҳаққи бор».

Яъни, сенда нафсингни ҳам ҳақи бор. Уни ҳалол йўл билан меъёрида қондиришинг керак. Бўлмаса, Аллоҳ таоло сенга қўшиб халқ қилган табиатга хилоф қилган бўласан.

«Аҳлингнинг ҳам ҳаққи бор».

Яъни, оила аъзоларингнинг ҳам сенда ҳақи бор. Уни ҳам адо этишинг керак. Бу ҳам шаръий бурчинг.

Абу Дардо розияллоҳу анҳу мисолида унинг хотини ҳақида гап кетмоқда. Хотиннинг эрда ҳақи бор. Бир оила эру хотин бўлиб яшагандан кейин эр эрлик бурчини адо этиши керак. Намоз билан рўзага берилиб, хотинни тарк қилиб қўйишлик мусулмон кишига тўғри келмайди.

Кечалари бедор бўлиб, намоз ўқишга иштиёқинг бор экан, бу яхши, буни ҳам меъёрида қил. Аммо вақтида ухла ҳам. Бу ҳам керак.

Кези келганда айтиб ўтиш лозимки, ушбу бобдаги ва шунга ўхшаш бошқа ҳадисларда нафл ибодат ҳақида сўз кетади. Чунки фарз ва вожиб ибодатларда тежамкор бўлиш, оз амал қилиш, деган гап бўлмайди. Беш вақт намознинг тўрт вақтини ўқий, рўзанинг ярмисини тутай, деб бўлмайди.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

